

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**ИГАМУРАТОВА ДИЛРАБО ЧАРИЕВНА**

**БОЛАЛАР САРГУЗАШТ-ФАНТАСТИК НАСРИ ЎЗБЕКЧА  
ТАРЖИМАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ  
(Н.Носов ва А.Некрасов асарлари таржималари мисолида)**

**10.00.06 – киёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик  
ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in  
philological sciences**

**Игамуратова Дилрабо Чариевна**

Болалар саргузашт-фантастик насри ўзбекча таржималарининг ўзига хос хусусиятлари (Н.Носов ва А.Некрасов асарлари таржималари мисолида) ..... 3

**Игамуратова Дилрабо Чариевна**

Своеобразие узбекских переводов детской приключенческо-фантастической прозы (на примере переводов произведений Н.Носова и А.Некрасова) ..... 25

**Igamuratova Dilrabo Chariyevna**

The originality of the Uzbek translations of children's adventure-fantastic prose (for example, the translations of the works of N.Nosov and A.Nekrasov) ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works. .... 50

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**ИГАМУРАТОВА ДИЛРАБО ЧАРИЕВНА**

**БОЛАЛАР САРГУЗАШТ-ФАНТАСТИК НАСРИ ЎЗБЕКЧА  
ТАРЖИМАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ  
(Н.Носов ва А.Некрасов асарлари таржималари мисолида)**

**10.00.06 – қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик  
ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2020.3.PhD/Fil1369 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.nuu.md.uz](http://www.nuu.md.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Баракаев Раҳматулла**  
филология фанлари номзоди

**Расмий оппонентлар:**

**Камилова Саодат Эргашевна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Исмоилов Ҳамдам**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400-уй Тел: (99871) 246-08-62, (99871) 227-10-59, факс: (99871) 246-65-24, e-mail: [наука@nuu.uz](mailto:наука@nuu.uz). Ўзбекистон Миллий университети.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871) 246-08-62.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2021 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Г.Шереметьева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Н.Э.Абдуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**И.А.Сиддиқова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон таржимашунослигида миллий адабиётлар жаҳон адабиётининг энг юксак намуналарини таржима қилиш орқали бу асарларни ўз халқининг ҳам маънавий мулкига айлантириши, уларни ижодий ўзлаштириш воситасида ўзи ҳам янги тур ва жанрлар билан бойиши, янги ижодий камолот босқичларига кўтарилиши кўп мисоллар билан исботланган ҳақиқатдир. Бу борада болалар адабиёти таржимачилиги ҳам алоҳида ўрин тутаети, чунки болалар адабиёти таржималарида болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таржима қилиш амалиёти ўзига хос аҳамиятга эга бўлиши катталар адабиётини таржима қилишдан алоҳида ажралиб туради.

Дунё таржимашунослигида жаҳон болалар адабиётининг энг юксак намуналарини миллий тилларга таржима қилиш, жумладан, болалар саргузашт-фантастик насридаги «гапирувчи» номлар билан боғлиқ муаммоларнинг таржима қилиш, турли муаллифларнинг асарларини турли таржимонлар томонидан таржима қилиш хусусиятлари, шунингдек, фразеологизм ва мақоллар таржималарида миллий колорит, бола характерини ифода этиш ҳамда фантастик элемент ва уйдирмалар ифодасининг қайта яратилишидаги ўзига хосликларини ўрганиш орқали таржимон ижодий лабораториясини кузатиш борасида муайян натижаларга эришилган.

Ўзбек таржимашунослигида ёш авлоднинг маънавий камолоти муаммосига мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб алоҳида эътибор берилмоқда. Ушбу вазифани бажаришда бадиий адабиёт, хусусан, болалар адабиётининг ўрни беқиёс. Болалар адабиёти ёшлар орасида «бадиий жиҳатдан юксак, интеллектуал савияни ўстиришга, дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қиладиган бадиий, маърифий адабиётларнинг янги авлодини яратишга бевосита хизмат қилади»<sup>1</sup>. Жаҳон ва ўзбек болалар адабиётининг энг етук намуналари ўсиб келаётган, эртанги кунни яратиши керак бўлган ёш авлод маънавий камолотини таъминлашда доимо ўзига хос аҳамият касб этади. Аслида жаҳон адабиёти классиклари асарлари билан болалиқдан она тилимизда танишар эканмиз, асар қаҳрамонлари қайси тилда мулоқот қилганларини ўйламаймиз ҳам. Ҳолбуки, моҳир таржимонларнинг сермашаққат ижодий меҳнати туфайли жаҳон адабиётининг «олтин хазинаси» бебаҳо адабий мулкимизга айланмоқда. Рус адабиётидан қилинган таржималар бениҳоя сертармоқлигини кўзда тутиб, уларни адабий турлар, жанрлар ва муайян ижодкорлар асарлари таржималари тарзида алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлиб, рус болалар адабиётини ўзбек тилига таржима қилиш борасидаги дастлабки иш эканлиги ҳам мазкур ишнинг долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 17 февралдаги

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги Фармойиши // Халқ сўзи, 2017, 13 январь.

ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари; 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларни ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида», 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бадиий таржима муаммолари, таржимада аслият услубини қайта яратиш масалалари рус олимларидан А.В.Фёдоров, В.С.Виноградов, Г.Гачечиладзе, И.Левый, К.И.Чуковский, Л.С.Бархударов, А.Д.Швейцер, В.Е.Хализев, В.М.Жирмунский, Л.Успенский, С.Влаховлар<sup>2</sup> томонидан тадқиқ этилган бўлса, ўзбек адабиётшунослигида бадиий таржиманинг назарий-амалий масалалари Ғ.Саломов, Н.В.Владимирова, Ж.Шарипов, Қ.Мусаев, К.Жўраев, М.Холбеков, Ш.Сирожиддинов, Э.Очилов, Г.Одилова ва бошқа адабиётшунос олим ҳамда тадқиқотчиларнинг китоб<sup>3</sup>,

---

<sup>2</sup> Фёдоров А.В. Искусство перевода и жизнь литературы. – Л., 1983. – 352 с.; шу муаллиф. Основы общей теории перевода. – М., 1983. – 303 с.; Виноградов В.С. Лексические вопросы перевода художественной прозы. – М.: Изд-во Московского ун-та, 1978. – 151 с.; Гачечиладзе Г.Р. Введение в теорию художественного перевода. – Тбилиси, 1970. – 265 с.; шу муаллиф. Художественный перевод и литературные взаимосвязи. – М., 1980. – 225 с.; Левый И. Искусство перевода. – М., 1974; Чуковский К.И. Высокое искусство. – М., 1988. – 348 с.; Бархударов Л.С. Язык и перевод. Вопросы общей и частной теории переводов. – М., 1975. – 239 с.; Швейцер А.Д. Теория перевода. – М., 1988; Хализев В.Е. Теория литературы. – М., 2002. – 438 с.; Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. – Л., 1979. – 495 с.; Успенский Л. Ты и твоё имя. Рассказы об именах. – М.: Армада-пресс, 2002. – 320 с.; шу муаллиф. Слово о словах). – М.: Молодая гвардия, 1960. – 389 с.; Влахов С. Непереводимое в переводе. – М., 1986. – 416 с.;

<sup>3</sup> Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Тошкент: Фан, 1966. – 385 б.; шу муаллиф. Таржима назариясига кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 219 б.; шу муаллиф. Адабий анъана ва бадиий таржима. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 158 б.; шу муаллиф. Таржима ташвишлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – 190 б.; Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. Революциядан олдинги давр. – Тошкент: Фан, 1965. – 482 б.; шу муаллиф. Бадиий таржималар ва мохир таржимонлар. – Тошкент: Фан, 1972. – 258 б.; Владимирова Н.В. Развитие узбекской прозы 20 века и вопросы художественного перевода. – Ташкент, 2011. – 336 с.; Мусаев Қ. Бадиий таржима ва нутқ маданияти. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – 159 б.; шу муаллиф. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Фан, 2005. – 352 б.; Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадиий таржима асослари – Тошкент: Mumtoz soʻz, 2012. – 166 б.; Холбеков М. Таржимашунослик ва таржима танқиди. – Тошкент: Наврўз, 2014. Очилов Э. Таржима назарияси ва амалиёти. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2012. – 124 б.; шу муаллиф. Бадиий таржима масалалари. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2014. – 176 б.; шу муаллиф. Таржима назарияси. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2014. – 140 б.; шу муаллиф. Таржимашунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2014. – 264 б.; Жўраев К. Таржима санъати. – Тошкент: Фан, 1982. – 60 б.; Жўраев К., ва бошқ. Таржимашунослик. – Тошкент: Академнашр, 2015. – 320 б.; Пўлатов Ю. Бадиий асарда номлар таржимаси. – Тошкент: Фан, 1967. – 66 б.; Тухтаходжаева Н. Бадиий таржимада лингвокультурамеларнинг ифодаланиши. – Тошкент: Фан ва технология, 2013. – 132 б.

диссертация<sup>4</sup>, мақола<sup>5</sup>ларида турли аспектларда ўрганилган.

Болалар адабиёти таржимачилигига оид маълумотлар эса бир қатор рисола ва илмий мақолалардан ўрин олган бўлиб, бу борада филол.ф.н. Р.Баракаевнинг А.С.Пушкин, Л.Н.Толстой, К.Д.Ушинский ва И.А.Криловлар кичик асарларининг XX аср бошларидаги таржималари ҳамда XX аср рус болалар адабиёти намуналари таржимасининг ўзига хосликларига бағишланган бир қатор мақолаларини тилга олиш мумкин<sup>6</sup>.

Ўрганилаётган муаммо билан боғлиқ адабиётлар таҳлилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ўзбек таржимашунослигида рус болалар адабиёти таржималари бўйича махсус тадқиқотлар яратилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот ЎзР Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий ишлари режасига биноан «15 жилдли Ўзбек адабиёти ва фольклори тарихи» фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** рус тилидаги болалар саргузашт-фантастик насрининг ўзбекча таржималарини аслият билан қиёслаб, бадий таржимада адекватлик, эквивалентлик, миллий колоритни сақлаш принципларини очиб беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

болалар саргузашт-фантастик насридаги «гапирувчи» номларни таржима қилиш билан боғлиқ муаммоларнинг турли ижодкорлар асарларининг бир қанча таржимонлар томонидан таржима қилинишидаги ўзига хос жиҳатларни белгилаш;

<sup>4</sup> Владимирова Н. Некоторые вопросы художественного перевода с русского на узбекский язык: Дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1958. – 184 с; Мусаев Қ. Инглиз тилидан ўзбек тилига бадий таржиманинг стилистик масалалари (традицион сонлар ва фразеологизмлар): Филол. фан. номз... дисс. – Самарқанд, 1967. – 317 б; Эгамова Я. Асл нусхадаги қахрамонлар образини бадий таржимада қайта яратиш масаласи: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1974, – 202 б; Саидов Ф. Матн ва таржима (адабий тур ва услуб проблемаси): филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 1991. – 138 б; Досбаева Н. Бевосита таржимада бадий услубни қайта тиклаш (Америка ҳикоялари таржимаси мисолида): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 26 б; Салимова Д. Шейрий таржимада бадий ният ва поэтик маҳоратнинг қайта ифодаланиши: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2018. – 158 б. Жўраева Б.М. Ўзбек халқ мақоллари шаклланишининг лингвистик асослари ва прагматик хусусиятлар: Филол. фан. д-ри (DSc) ... дисс. – Самарқанд – 2019. – 231 б.

<sup>5</sup> Таржима санъати. Мақолалар тўплами. – Тошкент, 1961. – 160 б; Таржима санъати. Мақолалар тўплами. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973. – 304 б; Таржима санъати. Мақолалар тўплами. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976; Таржима санъати. Мақолалар тўплами. 3-китоб. – Тошкент, 1976. – 311 б.; Бадий таржиманинг актуал масалалари. – Тошкент: Фан, 1977. – 227 б.; Таржима санъати. Мақолалар тўплами. 4-китоб. – Тошкент, 1978. – 327 б.; Таржимон маҳорати. – Тошкент: Фан, 1979. – 195 б.; Таржима санъати. Мақолалар тўплами. 5-китоб. – Тошкент, 1980. – 304 б.; Таржима санъати. Мақолалар тўплами. 6-китоб. – Тошкент, 1986. – 263 б.; Ўзбекистонда бадий таржима тараққиёти (таржима тарихидан лавҳалар). – Тошкент: Фан, 1986. – 205 б.; Ўзбекистонда таржимачилик. – Тошкент: Фан, 1988. – 227 б.

<sup>6</sup> Баракаев Р. Ўзбек болалар адабиётида рус тилидан илк таржималар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1985, № 3. – Б. 39-43; Ҳамза Ҳакимзоданинг адабий-педагогик асарларида Л.Н.Толстой анъаналари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1988, № 3. – Б. 42-45; Рус болалар адабиётидан илк таржималар тарихига бир назар / Таржима муаммолари (мақолалар тўплами). 3 китоб. 1-китоб. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 131-140; Л.Н.Толстой асарларининг ўзбек тилига илк таржималари / Таржима муаммолари (мақолалар тўплами). 3 китоб. 1-китоб. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 140-150; Муаллиф ҳақида бир-икки сўз (А.Алексин) / А.Алексин. Тилаб олинган бола. – Тошкент: Юлдузча, 1987. – Б. 315-317; Николай Носов ва унинг «Билмасвой»и ҳақида / Н.Носов. Билмасвойнинг саргузаштлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – Б. 3-8; Сўнгсўз ўрнида (А.Воинов) / А.Воинов. Довюралар. – Тошкент: Юлдузча, 1987. – Б. 314-316; Эртақлар – эзгулик элчиси / Рус ёзувчиларининг эртақлари. Уч бақалоқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат. 1988. – Б. 3-8; О ранних переводах «Сказки о рыбаке и рыбке» на узбекский язык / Пушкин в Узбекистане. – Ташкент, 1999. – С. 26-33.

болалар саргузашт-фантастик насридаги фразеологизмлар таржималарида ёш бола характери акс эттирилишини миллий колоритни қайта яратиш билан боғлиқ ўзига хосликлар нуқтаи назаридан ўрганиш;

болалар саргузашт-фантастик насри таржималарида фантастик элементлар ва уйдирмалар ифодасининг қайта яратилиш ҳолатларини кўрсатиш;

бир асарнинг бир таржимон қаламига мансуб қайта таржимасини қиёсий ўрганиш орқали таржимон ижодий лабораториясини кузатиш;

болалар саргузашт-фантастик насри таржимачилигининг турли даврлардаги тараққиёт босқичлари ҳамда даражасини тадқиқ этишда амалий ва назарий аҳамиятга молик хулосалар чиқариш.

**Тадқиқотнинг объектини** Н.Носовнинг «Весёлая семейка», «Витя Малеев в школе и дома», «Дневник Коли Синицына» қиссалари, «Приключения Незнайки и его друзей», «Незнайка в Солнечном городе» роман-эртаклари ҳамда А.Некрасовнинг «Приключения капитана Врунгеля» қиссасининг рус тилидаги аслияти ва ўзбекча таржималари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** рус адабиётидаги болалар саргузашт-фантастик насри намуналарининг ўзбекча таржималаридаги «гапирувчи» номлар, фразеологизмлар, мақоллар таржимаси ва миллий колорит билан боғлиқ муаммолар, фантастик элементлар ҳамда уйдирмаларнинг қайта яратилиши ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-типологик, текстологик таҳлил ва умумлаштириш, таснифлаш ва тавсифлаш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

Н.Носов роман-эртаклари ва А.Некрасов қиссасидаги шахс номлари ва предмет номлари каби «гапирувчи» номлар таржималарининг ўзига хос жиҳатлари «таржима қилиб бўладиган» ва «таржима қилиб бўлмайдиган» тамойиллар нуқтаи назаридан асосланган;

Н.Носов ва А.Некрасов асарларидаги фразеологизмларни ўзбек тилига ўгириш билан боғлиқ жиҳатлар ёш болалар характер-хусусияти нуқтаи назаридан белгиланганлиги ва фразеологизмлар таржимасида аслиятдаги сўз қўллаш услубини сақлаб қолишда таржимон маҳоратининг кўрсатилганлиги далилланган;

Н.Носов роман-эртаклари таржималари нашрларида фантастик элементларнинг қайта яратилиши билан боғлиқ томонлар, уйдирмалар таржимаси асосида А.Некрасовнинг бадиий ниятининг ўзига хосликлари далилланган;

Н.Носов роман-эртаклари таржималарининг икки нашрини қиёслаш асосида бир таржимоннинг аввал таржима қилган асарини қайта нашр жараёнида таҳрир қилиши ва қайта ишлаши бадиий таржима амалиётининг турли даврлардаги даражасини кўрсатишга хизмат қилиши таржимон ижодий лабораториясига асосланиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

Н.Носов ва А.Некрасов асарлари ўзбек тилига таржималарининг ўрганилиши, таржима муқобилларининг қиёсланиши ва илмий тадқиқ этилишига



доир манбалар ўзбек таржимашунослигининг таржима тарихи ва танқиди соҳалари учун зарур илмий факт ва маълумотлари сифатида умумлаштирилган;

Н.Н. Носов ва А.С. Некрасов асарларининг ўзбек тилига таржималарини қиёсий таҳлил қилиш натижасида адабиётлараро алоқалар тараққиётида таржима амалиётининг тутган ўрни ёритиб берилган;

Тадқиқот материалларидан таржимашунослик илмида таржима тарихи ва танқиди жараёнларини янада чуқур ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги, филология йўналишида таҳсил олувчи талабалар, тадқиқотчилар ва мутахассислар манба сифатида фойдаланиши мумкинлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги** муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлил, умумлаштириш, таснифлаш ва тавсифлаш усуллари орқали асослангани, ишончли назарий манбалардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таржимашунослик, хусусан, болалар адабиёти намуналари таржималарида ижодкор бадиий ниятини қайта ифодалаш, айниқса, «гапирувчи» номлар ва миллий колоритни таржимада қайта яратиш муаммоларига доир тадқиқотлар базасини тўлдириш ва кенгайтиришда муайян назарий асос сифатида хизмат қилишида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация ишининг материали ва илмий хулосаларидан олий ўқув юртларида таржима тарихи, назарияси ва амалиёти, адабий алоқалар, болалар адабиёти таржимачилиги йўналишлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда, таржимашуносликка бағишланган махсус курс ва семинарлар ўтишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Таржимада муаллиф бадиий нияти ва маҳоратининг қайта ифодаланиш хусусиятларини очиқ бериш жараёнида рус болалар адабиётининг ўзбек тилидаги таржималари мисолида қўлга киритилган хулоса ва тавсиялар асосида:

Н.Носов роман-эртаклари ва А.Некрасов қиссасидаги шахс номлари ва предмет номлари каби «гапирувчи» номлар таржималарининг ўзига хос жиҳатлари «таржима қилиб бўладиган» ва «таржима қилиб бўлмайдиган» тамойиллар ОТ–Ф1-80 «Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи» фундаментал тадқиқот дастурида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2021 йил 12 январдаги 3/1255-87-сон маълумотномаси). Натижада мазкур асарларнинг таржимасининг ўзига хос назарий хусусиятларининг далилланиш даражаси ортган;

Н.Носов ва А.Некрасов асарларидаги фразеологизмларни ўзбек тилига ўгириш билан боғлиқ жиҳатлар ёш болалар характер-хусусияти нуқтаи назаридан белгиланганлиги ва фразеологизмлар таржимасида аслиятдаги сўз қўллаш услубини сақлаб қолишда таржимон маҳорати, аслиятдаги шакл ва мазмун эквивалентлигини таъминлашда таржимонларнинг асар муаллифлари услуби билан боғлиқ жиҳатларига доир хулосалардан ФА-А1-Г031 ПЗ-2014-0903154906 «Ўзбек фольклоршунослиги тарихи» амалий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2021 йил 12 январдаги 3/1255-87-сон маълумотномаси). Натижада «Билмасвой Қуёш шаҳрида» роман-

эртагидаги ўзбек халқ эртакларига хос сеҳрли элементлар, сюжет қурилмаси ва бадиий оригиналлик масалалари хусусидаги хулосалари ва материаллари сеҳрли эртакларнинг ўзига хосликлари ҳақидаги хулосалар қаторига киритилган;

Н.Носов роман-эртаклари таржималари нашрларида фантастик элементларнинг қайта яратилиши билан боғлиқ жиҳатлар, уйдирмалар таржимаси мисолида А.Некрасовнинг бадиий ниятининг ўзига хосликлари борасидаги хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телеканалининг «Таълим ва тараққиёт» ва «Ибратга йўғрилган умр» илмий-маърифий кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 1 июндаги 02-13-883-сон маълумотномаси). Натижада Н.Н. Носов ва А.С. Некрасов асарларининг таржимада акс этиш муаммолари асослаб берилган, асарлар контекстидаги «гапирувчи» номлар, фразеологизм ва мақолларни таржимада қайта яратишда таржимонлар маҳорати, бадиий таржимада ибора ва сўзларнинг муқобил вариантини топиш жуда муҳим хусусият эканлиги ёритилган, ўзбекча таржималардаги жиддий камчиликлар кўрсатилган ва келажакда яратиладиган янги таржима нашрлар учун тавсиялар берилган;

Н.Носов роман-эртаклари таржималарининг икки нашрини қиёслаш асосида бир таржимоннинг аввал таржима қилган асарини қайта нашр жараёнида таҳрир қилиши ва қайта ишлаши бадиий таржима амалиётининг турли даврлардаги даражасини кўрсатишга хизмат қилиши ҳамда таржимон ижодий лабораторияси борасидаги натижа ва тавсиялардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Бадиий таржима кенгаши ҳисобот йиғилишларида, адабий тўғарак машғулотларда, маҳорат дарсларида, ёш ижодкорлар билан учрашувларда тадқиқот натижаларидан унумли фойдаланилган (Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 1 майдаги 09-32/14-сон маълумотномаси). Натижада рус-ўзбек адабий алоқалари, хусусан, бир асарнинг бир нечта таржималари бўлиши мумкинлиги ва бир таржимоннинг бир асарнинг қайта таржимаси жараёнидаги таҳрир ва тузатишларини ўрганишда, таҳлилга тортилган асарлар матнида учрайдиган русча фразеологик иборалар, мақолларнинг ўзбекча таржимадаги ютуқ ва камчиликлари ҳамда таржима жараёнида бошқа халқлар асарларини китобхонга мослаштириш ва миллий колоритни қайта яратиш хусусидаги таҳлил ва талқинлар уюшмада ўтказилган маърузалар мазмунини бойитишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш нашр қилинган бўлиб, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола шундан республика журналларида 4 та, хориждаги журналларда 3 та мақола нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 133 саҳифани ташкил этади.

## АСОСИЙ ҚИСМ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Н.Н. Носов ва А.С. Некрасов саргузашт-фантастик асарларининг ўзбекча таржималарида «гапирувчи» номлар**» деб номланади. Ушбу бобнинг биринчи фасли «*Рус болалар адабиётининг ўзбек тилига таржималари ва «гапирувчи» номлар таржимаси хусусиятлари*» деб номланиб, унда болалар адабиёти ҳамда Ўзбекистонда болалар адабиёти таржималари тарихи ёритилган. Рус адабиётининг ўзбек тилига таржима қилиниш тарихи XIX асрнинг 80-йиллари охиридан «Туркистон вилоятининг газетаси»да чоп этилган И.Крилов масалларининг илк таржималаридан бошланади. Шунингдек, ушбу газетада 1899 йилда А.С.Пушкиннинг «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртаги» таржимаси ҳам эълон қилинган<sup>7</sup>. Бу ҳақда проф. Н.В.Владимированинг, ф.ф.н. Р.Баракаевнинг бир қатор мақолаларида<sup>8</sup> батафсил тўхталиб ўтилган. Шунингдек, проф. Ж.Шарипов маълумотича, 1917 йилгача Л.Н.Толстой, И.А.Крилов, А.С.Пушкиннинг бир қатор асарлари ўзбек тилига ўгирилган<sup>9</sup>.

Шунингдек ушбу фаслда айрим бадий асарларда учрайдиган «гапирувчи» исм ва фамилиялар таҳлил қилиниб, маъно англатувчи «гапирувчи» номларни транскрипция, транслитерация ёки таржима қилиш ҳақидаги фикрларга муносабат билдирилди ҳамда «гапирувчи» номларга юклатилган бадий-эстетик вазифа, уларнинг адабиётда тутган ўрни масаласи ва у ҳақдаги қарашларга бўлган муносабат ифодаланган. «Гапирувчи» исм, «мазмунли» исм – адабий исмнинг бир тури. Номинатив объектни тавсифлаш, унинг фазилатларини, мақсадини таъкидлаш ёки бўрттириш учун муаллиф томонидан яратилган семантик жиҳатдан шаффоф бўлган исм<sup>10</sup>». Бунда жаҳон адабиёти намуналарида қўлланилган «гапирувчи» номлар ҳақидаги қарашлар хусусида маълумот берилиб, уларга илмий-танқидий муносабат билдирилди ҳамда «таржима қилиб бўладиган» ва «таржима қилиб бўлмайдиган» тамойиллар нуқтаи назаридан эътибор қаратилди.

Рус олимларидан А.В.Фёдоров, К.Чуковский, В.С.Виноградов, Л.Успенский, В.Россельс, А.В.Суперанская, В.М.Калинкин, М.М.Морозов,

<sup>7</sup> Қаранг: Владимирова Н.В. Развитие узбекской прозы XX века и вопросы художественного перевода. – Ташкент: Фан, 2011. – С. 191–227.

<sup>8</sup> Қаранг: Баракаев Р. О ранних переводах «Сказки о рыбаке и рыбке» на узбекский язык // Пушкин в Узбекистане. – Ташкент, 1999. – С. 26–33. Ўша муаллиф: Рус болалар адабиётидан илк таржималар тарихига бир назар // Таржима муаммолари (мақолалар тўплами). 3 китоб. 1-китоб. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 131–140; Ўша муаллиф: Ўзбек болалар адабиётини рус тилидан илк таржималар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1985, №3. – Б. 39–43.

<sup>9</sup> Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. Революциядан олдинги давр. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 302–323.

<sup>10</sup> Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. – М., 1978. – С. 127–128. (таржима И.Д.)

В.А. Никоновларнинг фундаментал назарий ишлари бу борадаги илмий изланишларнинг нақадар салмоқли эканлигини кўрсатса, ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигида Ғ.Саломов, Э.Б.Магазаник, Ю.Пўлатов, Э.Бегматов, М.Йўлдошев, Д.Худойберганова, Д.Анданиёзоваларнинг бу йўналишлардаги бир қатор тадқиқотларини қайд этиш жоиз.

Бобнинг иккинчи фасли **«Н.Н. Носовнинг «Билмасвой билан дўстларининг бошидан кечирганлари» ҳамда «Билмасвой Қуёш шаҳрида» роман-эртақларида «гапирувчи» номлар таржимаси»** деб номланган бўлиб, бунда бир асарнинг икки марта қайта таржима қилиниши сабаблари ва бир таржимон томонидан амалга оширилганлиги ҳақида маълумот берилади. «Билмасвой билан дўстларининг бошидан кечирганлари» ҳамда «Билмасвой Қуёш шаҳрида»<sup>11</sup> роман-эртақларида қўлланилган «гапирувчи» номлар ҳақидаги қарашлар ҳамда уларга юклатилган юмористик вазифа биринчи таржимада қисман акс этганлигига илмий-танқидий нуқтаи назардан муносабат билдирилади.

Н.Носовнинг «Билмасвой билан дўстларининг бошидан кечирганлари» ҳамда «Билмасвой Қуёш шаҳрида» роман-эртақлари 1954 ва 1958 йилларда дунё юзини кўради. Уларни таниқли болалар шоири Пўлат Мўмин ўзбек тилига таржима қилган. Биринчи асар 1958 йилда, иккинчиси 1961 йилда ўзбекчага ўгирилиб, бир неча мартадан қайта нашр қилинган. Роман-эртақнинг қайта таржимаси 1987 йилда амалга оширилган.

«Билмасвой» ҳақидаги асар кичик ёшдаги болаларга мўлжалланганлиги сабабли Н.Носов ҳар бир қаҳрамонга китобхон эсида қоларли юморга бой исмларни берган. Ҳар бир митгининг бўйи кичкина бодрингдай бўлгани учун муаллиф эркалама тарзида кичиклик сифатини белгиловчи қўшимчалар ва уларни ифодаловчи номларни ишлатган. Диссертацияда роман-эртақлардаги «гапирувчи» номлар ва уларнинг таржималари семантик хусусиятларига кўра қуйидагича гуруҳларга ажратилди<sup>12</sup> (таржимада «гапирувчи» ном ўзгарган ҳолатлар 1 ва 2 рақамлари билан ажратилди):

**1. Ички хусусиятлари ва характериға кўра:** Незнайка – Билмасвой, Знайка – Билагон, Авоська – Агаркул (1) – Агарда (2), Небоська – Магаркул (1) – Магарда (2), Ворчун – Сергап, Молчун – Индамас, Торопыжка – Шошқалоқ, Растеряйка – Довдирбой (1) – Довдирвой (2), Сахарин Сахаринич Сиропчик – Ширин Шарбатович Шарбатжон.

**2. Касби ва машғулотиға кўра:** Пилюлькин – Дорижон, Компрессик – Компрессжон (1) – Иссиквой (2), Медуница – Ёрдамхон (1) – Асалхон (2), Гуся – Чолғужон (1) – Машшоқвой (2), Пулька – Мерганжон (1) – Ўқтой (2), Тюбик – Бўёқвой, Стекляшкин – Шишажон, Караулькин – Қоровулжон, Свистулькин – Хуштакжон, Каскин – Қалпоқжон, Сапожкин – Этикжон, Палочкин – Чўпжон (1) – Таёқжон (2).

<sup>11</sup> Носов Н.Н. Носов Н.Н. Приключения Незнайки и его друзей. – М.: Самовар, 2019. – 160 с. Незнайка в Солнечном городе. – М.: РОСМЭН, 2018. – 200 с. Носов Н.Н. Билмасвой билан дўстларининг бошидан кечирганлари. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1958. – 177 б. Носов Н.Н. Билмасвой Қуёш шаҳрида. – Тошкент: Ёш гвардия, 1961. – 294 б. Носов Н.Н. Билмасвой билан дўстларининг бошидан кечирганлари. Билмасвой Қуёш шаҳрида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – 304 б.

<sup>12</sup> Қаранг: Виноградов В.С. Лексические вопросы перевода художественной прозы. – М., 1978. – С. 137.

**3. Ташқи қиёфасига кўра:** Бублик – Бублик (1) – Кулчавой (2), Блинчик – Кулчажон (1) – Қуймоқжон (2), Пачкуля Пёстренький – Кир-чир Олабола, Пончик – Бўғирсок, Кубышка – Дўмбоқ қиз, Синеглазка – Кўккўз, Карасик – Балиқжон, Фигура – Донажон, Микроша – Зинқарча (1) – Жинқарча (2).

**4. Флора-фауна номлари:** Саломка – Похолой (1) – Майсаой (2), Лилия – Гулсапсар (1) – Гулсафсар (2), Маковка – Кўкноргул (1) – Кўкноригул (2), Цветик – Гулшан (1) – Гулшаний (2), Ласточка – Қалдирғоч, Самоцветик – Гулғунча, Стрекоза – Ниначи, Белочка – Олмахон, Галочка – Зағчахон, Заинька – Қуёнча, Арбузик – Тарвузий, Букашкин – Ғинг-Ғинвой (1) – ҒингҒинвой (2).

**5. Нарса-предметлар номлари:** Винтик – Винтик (1) – Мурватвой (2), Шпунтик – Шпунтик (1) – Тузатвой (2), Циркуль – Циркуль (1) – Айланжон (2), Кнопочка – Мунчоғой (1) – Мунчоқой (2), Пуговка – Тугмача (1) – Тугмачаой (2), Иголочка – Игнахон, Ниточка – Ипакой, Гвоздик – Михтвой (1) – Михвой (2), Снежинка – Оппоқ қиз (1) – Оппоғой (2), Пёрышкин – Қаламжон.

Роман-эртақдаги *Знайка–Билагон* ва *Незнайка–Билмасвой* асосий қаҳрамонларнинг номлари ўзбек тилига адекват таржима орқали амалга оширилган. Муаллиф уларни бир-бирига қарама-қарши персонажлар тарзида яратиб, уларнинг номланишида антоним сўзларни қўллаган. Бу икки қаҳрамоннинг номлари таржимасида Пўлат Мўмин уларнинг фазилатларини аниқлашда ёрдам берадиган: «знай» – «бил», «не знай» – «билма» феълларининг асосини сўзма-сўз таржима қилган. Муаллиф ундовни билдирадиган «знай», «не знай» феълларига юшатиш «+ка» қўшимчасини қўллаган. Таржимон ҳам «бил», «билма» феълларига ўзбек тилга хос бўлган қўшимчаларни қўшиб, аслият ва таржима ўртасида адекватликка эришган.

Маълумки, ҳар қандай таржима ҳам даврлар ўтиши билан эскиради ва янгича талқинга эҳтиёж туғилади. Таржимани эскиртирадиган омиллар эса вақт, тил эволюцияси ҳамда таржима қонун-қоидаларининг ўзгаришидир. Чунки, 1950–1960-йиллардаги она тилимизнинг луғавий таркиби билан ҳозирги давр луғавий таркиби бирмунча фарқ қилиб, сезиларли эволюцияни бошидан кечирди. Қайта таржима жараёнида муаллиф кўзда тутган қаҳрамонлар характери, қиёфаси, касби, машғулотида келиб чиққан ҳолда берилган юмористик тарздаги номлар ўзбек тилида қайта ишланиб, мазкур номлардаги маъно-мазмун ўз аксини топиб ва Н.Носов кўзда тутган «гапирувчи» номларнинг бадиий завқи иккинчи таржимада етказиб берилган.

Тадқиқотнинг «**А.С. Некрасовнинг «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари» қиссасидаги «гапирувчи» номлар таржимасининг ўзига хосликлари**» деб номланган 3-фаслида К.Пўлатов томонидан қилинган таржимаси таҳлилга тортилиб, ушбу асардаги «гапирувчи» исм ва фамилиялар ўз холича қолдирилганликлари сабаблари «таржима бўлмаслик» назарияси нуқтаи назаридан таҳлил қилинди.

Асардаги қаҳрамонларни номлари таҳлилга тортилган бўлиб, уларга қўйилган «гапирувчи» исм ва фамилиялар асар ғояси билан уйғунлиги ва ўзини

оқлаганликлари изоҳланган. Қиссадаги қаҳрамонларни ички ва ташқи хусусиятларини қуйидагича таснифладик<sup>13</sup>:

**1. Эркак исмларидан тузилган фамилияларга:** Денди – инглиз, Болдуин – европалик эркак кишиларига хос бўлган исмлар.

**2. Касб номидан пайдо бўлган фамилиялар:** Жулико Бандито – ўзига қароқчиликни ва фирибгарликни касб қилган қаҳрамон.

**3. Лақаблардан:** Врунгель, Лом, Кусаки; шу таснифдаги кичик турдаги **хайвонлар** номи билан боғлиқ: Фукс, Гаденбек.

Қиссадаги асосий қаҳрамонлар, яъни Врунгель ва Ломнинг прототиплари мавжуд бўлган. Некрасовнинг Вронский фамилияли таниши бўлиб, у ўзининг денгиздаги саргузаштларини тўқима, уйдирмалар орқали муаллифга сўзлаб берганлиги ва асар улар асосида ёзилганлиги ҳақида маълумот берган. Врунгель фамилиясининг ўзагини «врун» сўзи ташкил қилиб, у ўзбек тилида «ёлғончи» маъносини англатади. Муаллиф қаҳрамонга Христофор деб исм бериб, 1492 йилда европаликлар учун Янги дунёни, яъни Американи кашф этган денгизчи Христофор Колумбга ишора қилади. Ломнинг прототипи эса капитан Иван Ман бўлган. Бу персонажнинг фамилияси немис тилида «Mann», ўзбек тилидаги таржимаси «одам» маъносини англатади, француз тилида «одам» – «l'homme» русча талаффузи «лом» ва уни ижодкор бир фамилиянинг турлича айтилиши асосида яратган.

Кейингилар: Фукс номли матрос – у ҳам «гапирувчи» ном бўлиб, немис тилида «fuchs», инглиз тилида «fox», ўзбек тилига «тулки» деб таржима қилинади. Ҳайвонот боғининг директори Гаденбек. Аслида «гад» сўзининг рус тилидаги биринчи маъноси – амфибиялар, судралувчилар, моллюскалар ва бошқа бир қатор совуққон ҳайвонлар вакили маъносини билдиради<sup>14</sup>. Иккинчи – кўчма маънода ишлатиладиган ҳақорат сўзлар сирасига кириб, нафрат туйғусини келтирадиган *ярамас, жирканч одам* маъносини англатади<sup>15</sup>. Қиссада муаллиф «Англия зодагонлари» деб таништирадиган Денди ва Болдуин номлари мавжуд. Улар инглиз тилида ифода этиладиган «гапирувчи» номлар бўлиб, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади. Инглиз тилидаги «dandy» – рус тилида «франт, щёголь», ўзбекчада «олифта» ва «balding» – рус тилида «плешивый, лысый», ўзбекчада «тепакал»дир. Асарда Денди олифталаниб фрак ва цилиндр кийиб юрган ҳолатда тасвирланган бўлса, Болдуиннинг бундай таърифи берилмаган. Яна бир «гапирувчи» ном Япония адмирали Хамура Кусакидир. Бу номга А.Некрасов русча сўзга япон фамилияларига хос бўлган оҳангни берган. «Кусаки» сўзи ўзагида «кусать, укус» – «тишламоқ, чақмоқ» ифодалайди ва бу қаҳрамонга берилган ном ўзидаги шу хислатларни асар давомида ёритилади. Қиссада ўзини армия сержанти деб таништирган қаҳрамон Жулико Бандитто ҳам, аслида, оддий йўлтўсар ва қароқчи. Зеро, унинг исм-фамилияси ҳам «гапирувчи» ном бўлиб,

<sup>13</sup> Медведев Ю.М. 1000 русских имен и фамилий. – М.: Астрель: АСТ, 2009. – С. 37.

<sup>14</sup> <https://ru.wiktionary.org/wiki/гад>

<sup>15</sup> Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка: 80000 слов и фразеологических выражений. Изд. 4-е доп. – М.: «ООО ТЕМП», 2013. – С. 116.

рус тилидаги «жулик» сўзининг ўзбек тилидаги маъноси «фирибгар» бўлса, «бандит» сўзининг маъноси «қароқчи»дир.

Таҳлилга тортилган Капитан Врунгель, Лом, Фукс, Гаденбек, Кусаки, Жулико Бандитто, Болдуин, Денди сингари «гапирувчи» номлар бевосита таржима қилинмасдан берилиши таржимашунослик амалиётидаги «таржима қилиб бўлмайдиган» тушунчаси нуқтаи назаридан ўзини оқлайди. Чунки бу каби номларни транскрипция, транслитерация ёки таржима қилиш таржимоннинг ўз танловига боғлиқдир. Асардаги қаҳрамонларга муаллиф билиш қийматига эга бўлган номлар берар экан, ушбу вазиятдаги номларни тушунтириш учун Қ.Пўлатов интерпретация йўлидан фойдаланганида уларнинг мазмуни мавҳум бўлиб қолмасди. Таржима жараёнида уларга изоҳ берилганда ҳар бир қаҳрамонга юклатилган номдаги маъно, хатти-ҳаракатлари тасвири орқали янада ёрқинроқ чиқиб, муаллиф кўзда тутган бадий ният тўлиқ етказилган бўлар эди. Бу каби «гапирувчи» номларни таржима қилиш мураккаб масала, чунки бу пландаги персонажлар номлари таржимасида нозик ижодий ёндашув талаб этилади, шунингдек асардаги бош қаҳрамон ўз миллий адабиётида тарихий мавқега эга.

Таржимоннинг бир ўринда «гапирувчи» ном таржимасига алоҳида ёндашуви, яъни «Победа» кемаси номини сўзма-сўз «Ғалаба» эмас, «Бехатар» тарзида бергани таҳлилга тортилади ва бу ҳолат қуйидагича изоҳланади, аслиятда «Победа» олдидаги икки ҳарфни йўқотиб, «Беда»га айланган бўлса, сўзма-сўз «Ғалаба» деб таржима қилинганида сўз бошидаги икки ҳарфни йўқотиш билан муаллиф кўзда тутган маъно чиқмайди. Мисол, аслиятда: *«И пока мы шли морским каналом, нам со всех кораблей, как назло, кричали:*

*– Эй, на «Беде», счастливого плавания!»* (13).

Таржимада: *«Энди денгизга томон сузиб борар эканмиз, ҳамма кемалардан бизга худди кесатгандек:*

*– Ҳей, «Хатар»дагилар, сафарингиз бехатар бўлсин! – деб қичқиришарди».* (13).

Ушбу сатрлар таржимасида таржимон маҳорати ёрқин акс этади. «Победа» кемаси номи ўзбек тилида «Бехатар» деб ўгирилгани нақадар тўғри эканлиги таржимон «хатар» ва «бехатар» сўзлари иштирокида ўзбек тилининг бой имкониятларидан ўринли фойдаланганлиги таржимада жонли тилнинг эмоционал бўёқлари ёрқинроқ ифода этилганлигида тарзида намоён бўлади.

Диссертациянинг «**Фразеологизм ва мақоллар таржимасида муаллиф услубини акс эттириш**» номли иккинчи боби икки фаслдан ташкил топган бўлиб, ушбу бобда фразеологик бирикмалар, мақолларни таржимада калька йўли билан бериш, мазмунини сақлаган ҳолда шаклан ўзгартириш, уларнинг муқобилини топиш, объектни ўзгартириш орқали таржима қилиш жиҳатлари ўрганилган.

Бобнинг биринчи фасли «**Н.Н. Носов қиссаларидаги фразеологизмлар таржимасининг ўзига хосликлари**» деб номланган. Мазкур фаслда фразеологизм ва мақоллар таржимада қай йўсинда берилганлиги, муаллиф услуби ҳамда ёш бола характериға хос бўлган жиҳатлар қайта яратилиши масалалари ёритилган.

Н.Носовнинг «Қувноқ оила», «Коля Сенициннинг кундалиги», «Витя Малеев мактабда ва уйда» қиссалари ўз давридаёқ маърифий-тарбиявий мавзуларга бағишланган энг яхши асарлар қаторидан ўрин олган. Муаллиф мазкур ҳикоя ва қиссаларида педагог ва психолог сифатида ҳам намоён бўлиб, педагогик ғояларини қизиқувчан, тиниб-тинчимас болалар руҳияти орқали кўрсатиб берган. Ёзувчи ҳаётни ўрганаётган соғлом, серҳаракат, қизиқувчан ва ишбилармон болалар дунёсини тасвирлаган. У дунёга болалар кўзи билан назар ташлаб, ҳаётда учрайдиган ҳодисаларни ёритиб, кўпинча ҳикоячи вазифасини асар қаҳрамонлари зиммасига юклайди.

Н.Носовнинг «Қувноқ оила», «Коля Сенициннинг кундалиги», «Витя Малеев мактабда ва уйда» қиссаларини Абдусодиқ Ирисов ва Пўлат Мўминлар таржима қилганлар.

Бадиий асар тилини аслиятдаги сингари сақлаш мушкул, бироқ унинг ғояси ва ёзувчи мақсадини айнан сақлаш маҳоратли таржимон учун муҳим вазифа саналади, айниқса бошқа тилдаги фразеологизмлар таржимаси ҳамда ўша миллат характери ва психологиясини таржима тилида сақлаш таржимоннинг нечоғли уста ижодкор эканини кўрсатади.

Масалан, аслиятда: *«Все ребята стараются, а им хоть кол на голове теши, ничего не помогает!»*<sup>16</sup> Таржимада: *«Ҳамма болалар ҳаракат қилишяпти, буларга юз гапир, минг гапир, барибир ҳеч гап таъсир қилмайди»*.<sup>17</sup>

Бу мисолда ўжарлик, тушунишни хоҳламаслик, бирор-бир ишни қилишни истамаслик оқибатида гап таъсир қилмайдиган одамга нисбатан рус тилидаги *«хоть кол на голове теши»* ибораси қўлланган. Таржимон ушбу фразеологик бирикмани ўзбек тилида унга эквивалент бўлган *«бунга юз гапир, минг гапир»* ибораси билан ўринли таржима қилган. Ушбу таржимада мазмуни асл нусхага яқин бўлган ибора қўлланилганини кузатиш мумкин. Яъни аслиятдаги фразеологизмнинг сўзма-сўз таржимаси *«бошида қозиқ йўнмоқ»*, яъни *«қозиқнинг пастки қисмини ўткир қилиш»* маъносини билдиради. Иборанинг рус тилидаги мазмуни *«шунчалик беғам одамки, қозиқни ўткирлаш учун бошини кунда ўрнига ишлатса ҳам парвойига келмайди»* бўлса, ўзбек тилида ҳам шундай одамга нисбатан *«бунга юз гапир, минг гапир»* ибораси ишлатилади. Демак, муаллиф кўзлаган мақсадни таржимон тўлиқ англаб, уни қайта яратишга эришган.

Қиссадаги халқона фразеологизмлар қаҳрамонлар характерини очишга, уларнинг ўзига хос бўлган жиҳатларини кўрсатишга, воқеаларни янада жонли ва ёрқинроқ ифодалашга хизмат қилади. Таржимон А.Ирисов ҳам аслиятдаги фразеологизмлар мантиқини она тилимиздаги иборалар билан алмаштириш орқали сақлашга ҳаракат қилади. Н.Носов рус болалар характерига хос хусусиятларни болалар тилидан тасвирлаб, қизиқарли сюжет яратган, таржимон эса бу қиссани ёш ўзбек китобхонларига тушунарли тарзда, рус болалари характерини сақлаган ҳолда, шунинг баробарида муаллиф ғояси ва

<sup>16</sup> Носов Н.Н. Фантазёры (Рассказы и повести). Витя Малеев в школе и дома. – Ташкент: Юлдузча, 1988. – С. 221.

<sup>17</sup> Носов Н. Витя Малеев мактабда ва уйда. – Тошкент: Ўздавнашр, 1954. – Б. 76.



фикрини ёш ўзбек китобхонларига имкон қадар тўлиқ етказиб беришга уринади.

Масалан: «А ты что тут сидишь, *как коза на базаре*<sup>18</sup>». Таржимада: «Сен ўзинг нима қилиб ўтирибсан бу ерда, *бозорга тушган эчкидек?*<sup>19</sup>»

Рус тилида бировга гап бермайдиган одамларга нисбатан айтиладиган «*как бабка на базаре*» ёки «*как базарная бабка*» фразеологик иборалари мавжуд бўлиб, Н.Носов контекстда мазкур иборани ижодий қайта ишлаган ва иборанинг асл мазмунига тескари оғзи очик, шалпайган, ландовур, лапашанг бола тасвирини беришда фойдаланган. Ҳолбуки, болаларга бозордаги гапчи хотин образидан кўра, сотишга олиб чиқилган эчкининг ортидан ҳайдаб бориб, бозорда илк бор тушган эчки ҳолати таниш. Адиб ана шу ҳолатни яхши англаган ва иборани бола тилига мослаган. У «*бабка*» («*камтир*»)ни «*коза*» («*эчки*»)га алмаштириб, болалар кузатадиган ҳодиса, яъни бегона жойга бориб эсанкираб қолган эчки тасвири орқали китобхон тасаввурини кенгайтирган ва бола камчиликлари ифода этилган бўлса, А.Ирисов ҳам бу иборани ўзбек тилига калькалаш орқали бериб, муаллиф ғоясини ўзбек китобхонига ўз ҳолича етказиб беришга эришган.

Шу ўринда Н.Носов асарларининг таржималари XX асрнинг 50-йилларида амалга оширилган бўлиб, ҳозирги давр таржимачилиги нуқтаи назаридан бир қатор камчиликлари кўриниб туради, яъни баъзи ҳолларда таржима қилинмай қолган жойлар мавжуд. Таржима жараёнида аслият матни қисқартирилиши ёки қўшимчалар қўшилиши мақсадга мувофиқ эмас. Одатда, узоқ тиллардан таржима жараёнида таржима қилинаётган асардаги бир жумлани бошқа жумла билан ўгиришнинг имкони бўлмаслиги ёки бир неча жумлани бирлаштиришга тўғри келиши мумкинлиги асар мазмунига путур етказмаган ҳолда амалга оширилиши эса таржима тарихида кўп учрайдиган ҳодиса. Зеро, таржима қилишдан асосий мақсад тилни билмаган, аслиятдан завқ ололмайдиган китобхонларни ушбу асар билан таништиришдир. Мутаржимнинг сўз қўллаш маҳорати қанчалик бой бўлса, уни сўзма-сўз таржимага мурожаат қилишдан шу қадар асрайди. Шунга қарамасдан, таржимонлар муаллиф ғоясини, услубини ўзбек китобхонига етказиб бериб, фразеологик ибораларни муқобиллари билан таржима қилиб, ўзбек тилининг бой имкониятларини ва таржимон маҳоратининг қирраларини тўла очиб бера олганлар.

Бобнинг иккинчи фасли «**А.С. Некрасовнинг «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари» қиссаси таржимасида мақол ва фразеологизмларнинг қайта яратилиши**» деб номланган. Маълумки, А.Некрасов «Приключения капитана Врунгеля» асарида кекса денгизчининг ғаройиб саргузаштларини тасвирлаб берар экан, унда денгизчилар лексикони (сўзлашиш услуби)га хос бўлган бир қатор фразеологик бирикмалар, мақолларни ишлатган, улардан мақсадли фойдалана олган. Ушбу асарни таржима қилган Қ.Пўлатов бундай фразеологик бирикмалар ва мақоллар таржимасида қуруқликдан, ғализликдан имкон қадар қочиб, уларнинг жонли бўлиши ва ўзбек тилида табиийроқ

<sup>18</sup> Носов Н.Н. Фантазёры (Рассказы и повести). Весёлая семейка. – Ташкент: Юлдузча, 1988. – С. 123.

<sup>19</sup> Носов Н. Кувноқ оила. – Тошкент: Ўздавнашр, 1957. – Б. 31.

чиқишига ҳаракат қилган. У таржима жараёнида рус тилидаги ибора, мақолларга эквивалент, муқобил вариант, мазмунини сақлаган ҳолда ҳамда калька орқали халқимизнинг жонли тилида фаол қўлланадиган сўз ва ибораларини қўллаган. Баъзан эса таржимон муаллиф фикрини тўлақонли етказиш мақсадида русча оддий жумлаларни тилимиздаги ибора, мақоллар билан ифодалаган.

Мисол, аслиятда: *«Штурман был у нас – серьёзный такой человек, не дай бог. И вот собрался он на берег. Прыгнул в шлюпку и кричит мне:*

*– Эй, малый, **трави кошку**, да живо!*

*Я услышал и словам своим не верю: у нас на судне кот был сибирский. Пушистый, мордастый, и хвост, как у лисы. Такой ласковый и умный, только что не говорит. И вдруг его травить! За что? Да и чем травить, опять же? Я в этом смысле у штурмана... Ну и выдрали меня тогда – как говорится, **линьков отвёдал.**» (167).*

Таржимон мазкур жумлаларни ўзбек тилига қуйидагича ўгирган:

*«Штурман шунақанги сержаҳл одам эдики, унақасини худо кўрсатмасин. У қиргоққа чиқмоқчи бўлди. Қайиққа сакраб тушиб, менга қичқирди:*

*– Эй, болақай, **мушукни заҳарлаб юбор**, тез бўл!*

*Мен бу гапни эшитиб ҳайрон бўлдим, чунки кемамизда сибир мушуги бор эди, ўзи бароқ, калласи катта, думи худди тулкиникига ўхшарди. Ёқимтой, ақлли эди, фақат гапиролмасди, холос. Бирдан уни заҳарлашим керак эмиш! Нима учун? Қолаверса нима билан заҳарлашим керак? Мен гапнинг маъносига тушунмай, бошим қотиб, штурмандан сўрадим... шунда **онамни учқўргондан кўрсатишган** эди.» (164).*

«Травить кошку»<sup>20</sup> денгизчилар ишлатадиган ибора бўлиб, ўзбек тилидаги аналогини топиш амримаҳол. Бу ерда «кошка» – «кичкина лангар», «травить» – «туширмоқ», яъни «лангарни туширмоқ» маъносини англатади. Бу ерда сўз ўйини қўлланилган бўлиб, таржимон уни калька усули ёрдамида таржима қилишга мажбур, чунки матннинг кейинги жумлаларида қаҳрамон айнан мушук ҳақида сўз бораётган деб ўйлагани ҳикоя қилинади. Агарда «лангарни тушир» деб айнан таржима қилинганида, кейинги сатрлар тушунарсиз бўлиб, мушук ва лангарнинг бир-бирига қандай алоқадорлиги борлиги ёш китобхонни чалкаш вазиятга солиб қўярди.

«Линьков отвёдал»<sup>21</sup> бирикмасидаги «линь» флотда ишлатиладиган ингичка трос, шунингдек, унинг учини тугун қилиб, айбдор матросга нисбатан жазо тариқасида ҳам қўлланган. Айб иш қилиб қўйгандан кейин, кўрқитиш ёки пўписа қилиш учун жонли тилимизда кенг оммалашган «онангни Учқўргондан кўрсатаман» ибораси ишлатилади, таржимон ҳам муаллифни фикрини етказиш мақсадида «онамни учқўргондан кўрсатишган» деб ўгирган. Бу билан ушбу жумла миллийлаштирилган. Ҳолбуки, бу ибора оддийгина «таъзиримни едим» тарзида берилганида таржима асл нусхага янада мос тушган бўларди.

<sup>20</sup> <https://posmotre.li> Макаку чешет / Не служил бы я на флоте, если б не было смешно.

<sup>21</sup> Ўша манба.

